



ВАЗОРАТИ МАОРИФ ВА ИЛМИ ЧУМХУРИИ ТОҶИКИСТОН

ДОНИШКАДАИ ЧУМХУРИЯВИИ ТАКМИЛИ ИХТИСОС ВА
БОЗОМӴЗИИ КОРМАНДОНИ СОҲАИ МАОРИФ

БАРНОМАИ
ТАЪЛИМИ КУРСИ ТАКМИЛИ ИХТИСОСИ
ОМӴЗГОРОНИ ФАННИ ЗАБОН ВА АДАБИЁТИ
ЎЗБЕК

Душанбе – 2023

Бо қарори Шурои олимони Донишкадаи ҷумҳуриявии тақмили ихтисос ва бозомӯзии кормандони соҳаи маориф № 11/38, аз 30.11.2023 тасдиқ шудааст.

Мураттиб: **Х. Мусоев** – омӯзгори калони кафедраи методикаи таълим дар муассисаҳои томактабӣ ва миёнаи умумии ДҶТИБКСМ

Муқарризон: **М.Азизова** - сармухтахассиси кабинети методии ҷумҳуриявии назди вазорати маори ва илми Ҷумҳурии Тоҷикстон

Ш. Котибова-мудири шуъбаи таълими мактабҳои камнӯфуси Пажуҳишгоҳи рушди маориф ба номи А.Чомӣ

Мухаррир: **М.Солиева** – омӯзгори калони кафедраи методикаи таълим дар муассисаҳои томактабӣ ва миёнаи умумии ДҶТИБКСМ

Барномаи мазкур барои шунавандагони курсҳои такмили ихтисоси омӯзгорони фанни забон ва адабиёти ўзбекӣ пешбинӣ шудааст.

Ўзбек тили ва адабиёти таълим методикасининг муҳим масалаларидан бири таълим дастуридир

Ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиларининг истагини эътиборга олган ҳолда дастурда таълимига доир мисоллар, нутқни ривожлантириш малакаси, лугат таълими, имло ва грамматика қисқача берилган. Шунингдек ўқиш ва ёзиш малакасини ривожлантириш усул ва йўллари, зеҳнни чархлаш, ҳозирги замон ўқувчиларнинг ижодкорлиги, тестдан фойдаланиш, жуфтликларда ва гуруҳларда ишлаш берилган.

Дастурда ҳамма мавзулар замонавий техника воситалари (электрон доска, слайд, проектор) лар орқали таълим берилади.

Ушбу дастур ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчилари малака ошириш курси тингловчиларига тавсия этилади.

Шуни назарда тутини лозимки, малака ошириши системаси замон талоботига асосан ўзгарувчан ва ҳар бир ўзгаришини ўзида тажассум қила олсин.

Эмомали Раҳмон

Сўз боши

Ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиларининг малака ошириш курси дастур таълими Тожикистон Жумхуриятининг «Маориф ҳақида» қонунлари асосида, Тожикистон Жумхуриятининг миллий таълим консепсияси, давлат стандартларининг умумий ўрта таълим, бошлангич таълим стандарти, ўзбек тили ва адабиёти стандарти, дарслик китоблар, Тожикистон Жумхурияти миллий тарбия консепсияси, Тожикистон Жумхуриятининг 2010-2015- йиллар учун маориф соҳасини ривожлантириш давлат дастури, МД «ДЧТИБКСМ» Низомнома ва Оиннома, Умумӣ таълим мактабларининг намунали тартиби, Тожикистон Жумхуриятининг Ҳукумати бошқа ҳукуқий меъёрий ҳужжатлари, Тожикистон Жумхурияти маориф ва илм Вазирлиги ва МДДЧТИБКСМ бошқа давлатлар тажрибасига таянган ҳолда тартиб берилган.

Қўйидаги таълим дастури 72 соатга, 12- кунга мос шаклда тартибга киритилган. Малака ошириш олийгоҳи кафедра ва бўлимлар ўқитувчилари ўз соҳа ўзгаришларига қараб янгиликлар кирита олади . « Педагогик маҳорат ва малака, билимларни ошириш» боби қўйидаги қисмлардан иборат.

а) Ўзбек тили ўқитиш методикасининг асосий назарияси;

б) Адабиёт ўқитиш методикасининг асосий назарияси.

Дастурнинг асосий мақсади. Ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиларининг Тожикистон Жумхурияти маориф соҳасидаги давлат сиёсати билан таништириш, маориф соҳасидаги ишчилар фаъолиятининг ҳукуқий меёрлари актлари, таълим муасисалари ва салоҳиятни ривожлантиришда қўлга киритган ютуқлар ва жумхуриятимиздаги кўзга ташланадиган олиму мутахассислар ва чет эл ташкилотларининг таълим соҳасида методикасини ошириш, шу жумладан, ўзбек

тили ва адабиёти Стандартидан фойдаланиш, фан Стандартлари ва таълими салоҳиятли таълим бериш дарс режаси ва календар иш тематик иш режасини тузиш, мазмун ва мундарижа жиҳатдан бир- бирига ўхшаш фанларнинг ҳамгиролиги, таълимнинг фаъол усулидан фойдаланиш, боҳолаш қисмларидан фойдаланишни ўз ичига олади.

Ўзбек тили ва адабиёти таълимининг вазифалари. Ўзбек тили ва адабиёти таълимда қўйидаги вазифалар киритилган: ёзув, тўғри ўқиши малака ва маҳорати ва олдиндан фикрлаш қобилияти, хулоса чиқариш, болаларнинг якка қобилиятини аниқлаш ва уни ошириш ўқувчиларнинг билим олишда қизиқишини ва маърифатли, иродали бўлиб етишида кўмаклашимиз лозим, гўзаллик ҳиссини ўқувчиларда ўстириш, мантикий тафаккурни, сўзлаш маданияти, одоб- ахлок, соғлик, соғлом хаёт тарзини муҳайё этиш, ота-она қадрига етиш, уларнинг меҳнати туфайли топган ҳар бир моддий неъматлар қадрига етиш, бу моддий неъматларни ривожлантиришда ўз ҳиссаларини қўшиш, кичик ёшдаги ўқувчиларни ота-онани севиш, ўз она тилини, Ватанини, катталарага эҳтиром, ўқитувчиларга ёрдам беришни ўқтириш, Ватан ифтихорини эҳтиром этиш (миллий мадҳиямиз, давлат нишони ва байробини азиз тутмоқ, ўз мактабининг қадри қиммат ва шарафини оширишда ўз ҳиссасини қўшиш, ўқувчилар шахсиятини ривожлантиришда ўз ҳиссасини қўшиш.

Дастур таълими қўйидаги қисмлардан иборат:

1. Фан таълими консепсияси;
2. Фан таълимининг дастур режаси;
3. Тест топшириклари;
4. Адабиёт.

Дастур мундарижасининг асосий қисмлари ва фанларни ўқитишда асосий мақсадларни аниқлайди. Дастурга асосан фанлар стандарти беш қисмдан иборатdir.

Бўлим мазмуни – асосий тушунчалар, фан Стандартларининг хукуқий меъёрларига қўшимча, фан Стандартларининг асосий принциплари, Стандартларнинг мақсад ва вазифалари тавсия этилади.

Фан салоҳиятлари –бу қисмда фан салоҳиятлари синфга мувофиқ ва таълим боблари, салоҳият кўрсаткичлари, ахлоқ ва тарбия салоҳияти ўқитувчиларга тавсия қилинади, хислат кўрсаткичлари ва ўқитувчилар салоҳияти тавсия этилади.

Салоҳият таълимини ташкил этиш жараёни-назария қисмида ва салоҳиятли таълим тартибининг принципларини, шу жумладан таълим жараёнида мустақилият, таълимнинг самарали принциплари фикрлаш малакаларини юкори даражда ривожлантириш, фанларнинг ўзаро алоқаси, фан таълими медодикаси, фан таълими методи ва стратегияси салоҳиятли таълим тартибини амалга оширади.

Баҳолаш – қисм тартиби, ўқувчиларнинг салоҳиятни баҳолаш методлари ва воситалар орқали амалга оширилади. Баҳолаш восита намуналари фан талоботига мувофиқ баҳолаш мумкин, ўқувчиларга қўйидаги воситалардан фойдаланиш йўллари изоҳланади.

Ўқитувчи қўлланмаси - бу қисмда таълим бобига мувофиқ ҳамма дарслар бирма- бир ва мавзулар ўқувчиларнинг салоҳиятнинг ривожланиши назарда тутилган. Бу дарсларда салоҳият стандартлари, дастур мавзулари ва дарслик китоб материаллари билан боғлиқ.

Тест синовлари ўқувчиларнинг билими ошириш учун тартиб берилган, уларга янгилар қўшимча қилиш мумкин. Адабиётлар рўйхатида таълим мақсадига таалукли масалалар киритилган

Дастур талаби. Малака ошириш курс тингловчилари курс якунида қўйидаги билим ва малака салоҳиятларни ўзлаштира оладилар:

➤ улар Стандарт талоботлари асосида Тожикистон Жумхурияти умумий таълим давлат Стандарти асосида «Ўзбек тили ва адабиёти (ўзбекча), дарслик китоблар ва

таълим метериаллари- календар – тематик иш режаларини туза оладилар;

➤ ўқувчиларнинг замонавий ўқиш малакаларини ривожлантириш, бурро ўқиш, мазмунини ўзлаштириш учун тўлиқ қироат қилиб ўқиш, берилган матнни ўзлаштириш ва ундан хулоса чиқара олиш, улар асосида савол ва топшириклар туза олиш малакаларини ўзлаштира оладилар;

➤ педагогика ва психология соҳасидаги ўзлаштирган янгиликларини амалга татбиқ эта олади;

➤ ўқувчиларнинг замонавий ёзув малакалари чиройли ёзиш, диктант ёзиш, баён, иншо, эссе, иш юритиш қоғазлари, ҳикоя, очерк, повест, романлардан фойдаланиб улар асосида савол ва топшириклар тартиб бера олади;

➤ Ўқувчилар замонавий методлари асоси фикрни эркин баён этиш, айтиш пайтида ўзбек тили қоидаларига риоя қилиш, таҳлил ва хулоса чиқариш, эшитган ва ўқиган билимига таяниб савол ва топшириклар туза олади;

➤ Тушунча ва ҳодисаларни ўзбек тили ва адабиёти талабларига мувофиқлаштириб, стандарт талаби асосида салоҳиятга қаратилгандарини йўлга қўя олади;

➤ Мавзуларни танлашда ахлоқий ва маърифатпарларлик, гўзаллик қизиқишларни назарга олади;

➤ Ўтмиш ва ҳозирги замон адибларининг фаолиятини ўрганиб ҳаётга татбиқ қила олади;

➤ Янги лугатлардан иш жараёнида фойдаланади;

➤ Баҳолаш воситаларидан ўқиш, ёзиш, таҳлил, айтиш пайтида ўқувчилар билимини баҳолай олади;

➤ Тест воситасида ўқувчилар билимини компьютер воситасида баҳолай олади.

Курс якунида тингловчи:

➤ маориф соҳасидаги давлат сиёсати;

➤ педагогика ва психология назария асослари;

- иннаватсион технологияни ўзбек тили ва адабиёти дарсларида қўллаш;
- илмий тадқиқот усули ва хусусиятларини билсин.

Қуйидаги салоҳиятларни қўлга киритсин:

- ўзининг касбий маҳоратини баланд кўтаришда малака оширишдан фойдалана олсин;
- ўкувчилар билим сифатини баҳолашда мониторингдан фойдаланиш;
- ўкувчиларнинг мустақил ишлаш пайтида «информатсия- комуникатсион технология» -сидан фойдалана олсин;
- умумий аттестасия саволлари (рейтинг, текширув, имтиҳон) олимпиада ва викториналарга мустақил саволлар тартиб бера олсин;
- таълимий - методий ва дидактик материалларни ўзбек тили ва адабиётидан ТИК –да тузга олсин;
- назариявий билимлар асосида назариявий тадқиқот ўтказа олсин.

Ўзбек тили ва адабиёти малака ошириш курси режаси

№	Дастур қисмлари	Соатлар миқдори
---	-----------------	-----------------

б/т		Xаммаси	Назариявый	Амалий
1.	Билим, малака ва касбий маҳоратни ривожлантириш	54	22	32
2.	Сиёсий менежмент	2	2	-
3.	Касбий педагогика	4	1	3
4.	Касбий психология	4	1	3
5.	Экология, яшаш жойини муҳофаза қилиш ва табиий бойликларни оқилона сарфлаш	2	2	-
6.	Ахборот технологияси	4	1	3
7.	Иш юритиш ва соҳа хужжатлари	2	1	1
	Жами:	72	30	42

Ўзбек тили ва адабиёти малака ошириш курси режаси

№	Дастур қисмлари	Соатлар микдори		
		Ҳаммаси	Назариявий	Амалий
	Тахассус, фан тъльими методикаси	54	22	32
1.	Ўзбек тили ва адабиёти фанлари юзасидан тузилган дастур мазмуни мундарижаси юзасидан таҳлил.	2	1	1
2.	Ўзбек тили ва адабиёти фанлари бўйича тартиб берилган дарслик китобларнинг илмий-методик тузилиши бўйича таҳлили.	2	1	1
3.	Ўқувчиларни маърифатпарварлик руҳида тарбиялашда ўзбек тили ва адабиёти фанларининг ўрни.	2	1	1
4.	Адабиёт дарсларида ўқувчиларнинг нутқ маданиятини шакллантиришда салоҳият муносибатлари. Таълимнинг уч пағонаси.	2	-	2
5.	V синфда ўзбек тили ва адабиёти фанларини ўқитиш методикаси Салоҳият тъльими асосида дарсларни режалаштириш. Салоҳият асосида мақсад қўйиш.	2	1	1
6.	VI синф ўқувчиларини салоҳият асосида баҳолаш, салоҳият асосида ўзбек тили ва адабиёти фанларини ўқитиш методикаси.	2	1	1
7.	7- синфда ўзбек тили ва адабиёти фанларини ўқитиш методикаси Ўзбек	2		2

	тили ва адабиёти фанларини ўқитишда салохият асосида баҳолаш методикаси.			
8.	8- синфда ўзбек тили ва адабиёти фанларини ўқитишиш методикаси. Ўзбек тили ва адабиётини ўқитишда проблемалик масаласи. Тест асосида ўзбек тили ва адабиёти фанларидан олган билимларини текшириш йўллари.	2	1	1
9.	9- синфда ўзбек тили ва адабиёти фанларини ўқитишиш методикаси. Ўзбек тили ва адабиёти ўқитишиш жараённида кабинетларининг роли ва вазифаси.	2	1	1
10.	10- синфда ўзбек тили ва адабиёти фанларини ўқитишиш методикаси. Дарс жараённида интерактив таълим фаолияти усуллари.	2	1	1
11.	11-синфда ўзбек тили ва адабиётини ўқитишиш методикаси. Синфдан ташқари ва мактабдан ташқари ишларни ташкил этиш методикаси.	2	1	1
12.	Ўзбек тилининг «Морфология» бўлими. Мустақил сўз туркумлари. Мустақил сўз туркумларининг морфологик хусусиятлари. Морфология ўқитишиш методикаси. Ўзбек тили ва адабиёти мактабда таълимий фан сифатида.	2	1	1
13.	Ҳозирги замон ўзбек адабий тилини ўқитишининг мақсади ва вазифалари. Ўзбек тилининг янги имло лугати. Мактабда ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма нутқини ўстириш йўллари ва методлари.	2	1	1
14.	Мактабда от, сифат, сон сўз туркумларини ўқитишиш методикаси.	2	1	1
15.	Олмош, феъл, равиш сўз туркумларини ўқитишиш методикаси.	2	-	2

16.	Ўзбек имлосидаги ёрдамчи сўз туркумларини ўқитиш методикаси.	2	1	1
17.	Боғланган ва эргашган қўшма гапларни ўқитиш методикаси.	2	1	1
18.	Грамматик таҳлил ва унинг турлари. Фонетик, морфологик, синтактик таҳлил ўтказиш методикаси.	2	1	1
19.	Ўқувчиларнинг билим даражасига баҳо бериш, билимларини синаш методикаси. Ўқувчиларнинг билим ва малакаларини синашнинг аҳамияти.	2	1	1
20.	Ўзбек тили ва адабиёти фанларини ўқитишида таълимнинг фаол усулларидан фойдаланиш методикаси.	2	1	1
21.	Сўз бирикмасини ўрганиш методикаси. Гап турлари синонимияси	2	1	1
22.	Мактабда ўтказиладиган ёзма иш турлари ва уларни ўтказиш методикаси. Ўзбек тили ва адабиёти фанларини ўқитишида синфдан ташқари ишларни ташкил қилиш методикаси.	4	1	3
23.	Ўзбек тили ва адабиёти фанларининг бошқа фанлар билан алоқадорлиги. Фанни бошқа фанлар билан кўшиб ўқитиш йўллари. Синтактик услубият.	2	1	1
24.	Морфологик услубият юзасидан кўргазмали қуроллар тайёрлаш ва дарс жараёнида улардан фойдаланиш йўл ва усуллари. (4 соат).	2	1	1
25.	XIX асрнинг II ярми ва XX аср бошлари даври адабиётини ўқитиш методикаси. XI-XIII асрлар ўзбек, тоҷик адабиёти намуналарини ўрганиш методикаси.	4	1	3
	Ҳаммаси	54	22	32

ТАХАССУС, ФАН ТАЪЛИМИ МЕТОДИКАСИ ТАЪЛИМИ

1.Мавзу: Ӯзбек тили ва адабиёти фанлари юзасидан тузилган дастурлар мазмунни ва мундарижаси бўйича таҳлил. (2 соат).

Амалдаги адабиёт дастурининг илмий-методик йўналишлари жиҳатидан таҳлил. Адабиёт дастурининг тўрт бўлимдан: халқ оғзаки ижодидан намуналар, адабиёт тарихи, XX аср адабиёти, чет эл адабиётидан намуналар қисмлардан иборат эканлиги. Адабиёт фани санъатнинг бир тури эканлиги. Адабиётнинг санъатнинг бошқа турларидан фарқи. Адабиётнинг инсон тарбиясида тутган ўрни.Воқеликни образлар орқали акс эттириш, умуман, санъатнинг барча турларига хос хусусиятдир.Халқ оғзаки ижоди (эртаклар,топишмоқлар,достонлар).

Мақоллар, уларнинг ўзига хос хусусиятлари. Мақолларнинг мавзулари. Замонавий мақоллар. Мақол ҳақида.

Латифалар халқ оғзаки ижодининг оммавий, ихчам сюжетли ҳикоя эканлиги. Ӯзбек ва тожик латифачилиги ҳақида.

Ӯзбек ва тожик адабиёти тарихидан. Абуали ибн Сино рубоийларида инсон ахлоқи ва билимининг улуғланиши.

Ю.Х. Ҳожибнинг «Қутадғу билик» асари. Адиб ҳаёти ва асарнинг яратилиши ҳақида маълумот. Асарнинг тарбиявий аҳамияти.

Рӯдакийнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумот. «Дўстлик» ҳақидаги рубоийсида инсоний дўстликнинг улуғланиши.

Алишер Навоий рубоийлари. Навоий рубоийларида маънавий- ахлоқий масалалар. Рубоий ҳақида маълумот.

Абдурахмон Жомий ҳаёти ва ижодий фаолияти. Жомий ва Навоий ўртасидаги дўстлик. Шоир асарларида инсон баркамоллиги, донолигининг улуғланиши.

А.Авлоний ва Хамза асарларининг гоявий йўналиши бу асарларнинг тарбиявий аҳамияти.

2.Мавзу: Ўзбек тили ва адабиёти бўйича тартиб берилган дарслик китобларнинг илмий-методик тузилиши бўйича таҳлили. (2 соат).

Дарслик китоблардан фойдаланиш йўллари. V - XI синфлар бўйича тартиб берилган дарслик китобларнинг тузилиши. Бу синфлар бўйича тузилган китобларнинг мундарижаси. Дарслик китобларнинг мазкур фанлар юзасидан тузилган дастурларга мувофиқлиги ва давлат стандарти талабларига жавоб бера оларли бўлиши. Мазкур фанлар юзасидан тузилган китоблардаги монографик мавзуларни тушунтириш йўллари ва методлари дарслик китоблардаги мавзуларни баён қилишда ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари ва билим даражаларини ҳисобга олиш. Ўқувчиларга дарслик китобларда берилган мавзуларни сингдириш методикаси. V, VI, VII синфлар учун адабиёт фани бўйича тузилган дарсликлар, бу дарслик китобларда берилган халқ оғзаки ижодидан берилган намуналарни тушунтириш йўллари, уларнинг қадимийлиги, уларда отабоболар ва аждодларимиз қадриятларининг акс этиш VIII, IX синфлар учун тартиб берилган адабиёт дарсликлари. Улардаги монографик мавзуларни тушунтириш йўллари. Адабиёт тарихи ва XX аср адабиётидан берилган намуналарнинг бир-бирига боғлиқлиги, бу мавзуларда олга сурилган гоялар, уларнинг ўқувчилар ҳаётида тутган ўрни X,XI синфлар учун тартиб берилган адабиёт дарсликлари X синф адабиёт дарслик китобида тарихга доир мавзуларнинг ўзига хос характерли хусусиятлари. V-XI синфлар учун тартиб берилган «Ўзбек тили» дарслик китобларининг тузилиши, илмий-методик хусусиятлари. VI синфда ўзбек тили китобини таҳлил қилиш.

3-мавзу: Ўқувчиларни маърифатпарварлик руҳида тарбиялашда ўзбек тили ва адабиёти фанларининг ўрни. (2 соат).

Мавзуга доир назарий маълумот

Адабиёт дарслари жараёнида ўқувчиларда маърифатпарварлик гояларини вужудга келтириш. Гоявий – сиёсий қурол сифатида адабиёт олдида мустақил мамлакатнинг тутган йўлини оғишмай амалга оширадиган, етук, баркамол, ўз Ватанининг ҳақиқий фарзандларини тарбиялаб вояга етказиши, шунингдек гоявий-сиёсий жиҳатдан мустаҳкам билимлар билан қуролланган, ҳаётга ақл-идрок, теран нигоҳ билан боқадиган, авлод-аждодлар меросини кўз қорачигидек асрраб, уларни янада бойитадиган, ахлоқий пок, ўз халқини ва барча мамлакат, элатларни, уларнинг маданиятини, урф-одат, тилларини хурмат қиласиган кишиларни тарбиялаши.

Адабиёт инсоннинг маданий - маънавий дунёси ва хусусиятларини бойитишга хизмат қилиши.

4-мавзу: Адабиёт дарсларида ўқувчиларнинг нутқ маданиятини шакллантиришда салоҳият муносибатлари. Таълимнинг уч пафонаси. (2 соат).

Адабиёт дарсларида ўқувчиларнинг нутқ маданиятини шакллантиришда ўқувчиларга таълимтарбия беришдаги муҳим вазифаларнинг асосий қисми адабиёт дарсларида амалга оширилади.

Адабиёт дарсликлари “Ўқишиш ва нутқ ўстириш” дастури давлат таълим стандарти талабларига жавоб берувчи концепция асосида тузилган. Унда гоявий, тематик, эстетик, қисман мавсумий тизимлар ҳисобга олинган.

Бу синфларда ўқувчилар мазмуни ўзлаштирилган эртак, ҳикоялар бўйича баён, ҳаётий тажрибалари ва расмлар асосида кичик ҳажмдаги ишо ёзадилар.

Адабиёт дарсликларида акс эттирилган тез айтишлар, топишмоқлар, мақоллар буларнинг бариси болалар нутқини ўстиришда асосий омил саналади.

-болаларда ахлоқий ва эстетик тасаввурларни шакллантириш;

-болаларга атроф-муҳит, кишилар, табиат ва жамият ҳақида тушунча бериш;

-нафосат ҳиссини тарбиялаш;

-маънавий тафаккур юритишга ўргатиш;

-ўқув машғулотларига, билим манбаи бўлган китобга қизиқиш уйғотиш. Шу билан бир қаторда салоҳият муносабатлари руҳида тарбияланиб боради.

5-мавзу: V-синфда ўзбек тилининг фонетика, графика, орфоэпия ва орфография бўлимини ўрганиш методикаси. (2 соат).

Фонетика грекча фоне (товуш) сўзидан келиб чиққанлиги. Фонетика тилшуносликнинг нутқ товушларини ўрганадиган бўлим сифатида. Ўзбек тилининг фонетикаси ўзбек тилининг товушлар системасини ўрганиши. Мактаб курсининг «Фонетика ва графика» бўлимида ўзбек тили товуш системасининг асосий хусусиятлари ҳақида маълумот бериш. Товушлар билан ҳарфларнинг ўзаро муносабатини, яъни боғланишини қўрсатиш ва товуш билан ҳарфни бир - биридан аниқ ажратишга ўқувчиларни ўргатиш.

Ўқувчиларни орфоэпик нормаларнинг баъзилари билан таништириш ва талаффузда йўл қўйиладиган айrim хатоларнинг олдини олиш. Ўқувчиларнинг фонетикадан олган билимларидан фойдаланиб, уларнинг имло, ифодали ўқиш, орфоэпик талаффуз ва ишорат бўйича ҳосил қилган қўнимларини такомиллаштириб бориш.

Нутқ товушлари ва уларнинг ҳосил бўлиши, ўқувчиларни «нутқ товушлари», «нутқ органлари» терминлари билан таништириш. Тилдаги сўзлар, сўз бирикмалари, гаплар нутқ товушлари ёрдамида ҳосил бўлиши. Ўзбек тили фонетикасида ўзбек тилидаги товушларнинг ҳосил бўлиши, талаффузи, бўлиниши, фонетик қонуниятлари, нутқдаги фонетик жараёнлар,

талаффуз ва ёзувнинг ӯзаро муносабати каби ҳодисалар ӯрганилиши. Нутқ товушларини ҳосил бўлишида иштирок этувчи органлар. В синфда таълим жараёнини ташкил қилиш йўллари.

6-мавзу: VI синф ўқувчиларини салохият асосида баҳолаш, салохият асосида ўзбек тили ва адабиёти фанларини ўқитиш методикаси. (2 соат).

Бу синфда ўзбек тили ва адабиёти фанлари юзасидан таълим бериш йўллари. Уй вазифасини сўраш йўллари. Мавзунинг характеристидан келиб чиқсан ҳолда методлар танлаш. Уй вазифасини сўраш жараёнида савол-жавоб, мавзу юзасидан тузилган тест саволларидан фойдаланиш йўллари. Дарс жараёнида ўқувчилар фаолиятини активлаштириш йуллари. Дарсда таълимнинг фаол усусларидан фойдаланиш. Янги билимлар бериш ва изоҳлаш, ўқувчиларга нотаниш ёки мураккаброқ мавзуларнинг янги томонларини очиб бериш, янги билимлар бериш

Сифат ҳақида умумий маълумот бериш, сифат даражалари: оддий даража, қиёсий даража, орттирма даража. Озайтирма сифат ва кучайтирма сифат, сифат даражаларининг ёзилиши, сифатларнинг ясалиши ва сифат ясовчи қўшимчалар имлоси. Қўшма, жуфт ва такрорий сифатлар, уларнинг имлоси. Сифатларнинг отлашуви, сифатнинг гапдаги вазифаси.

Сифатни таҳлил килиш тартиби.

Сон. Сон ҳақида умумий маълумот, соннинг маъно турлари: саноқ ва тартиб сонлар, тартиб сонларнинг ясалиши ва имлоси. Саноқ сонларнинг шакллари: миқдор сон, дона сон, чама сон, тақсим сон, жамловчи сон. Содда, қўшма ва жуфт сонлар ва уларнинг имлоси. Соннинг отлашуви саноқ соннинг гапдаги вазифаси. Сонни таҳлил қилиш йўллари.

Олмош. Олмош ҳақида умумий маълумот. Олмошнинг маъно турлари: кишилик олмошлари, ўзлик олмошлари, кўрсатиш олмошлари, сўроқ олмошлари, бўлишсизлик

олмошлари, белгилаш олмошлари, гумон олмошлари. Олмошларнинг гапдаги вазифаси. Олмошни таҳлил килиш тартиби.

7-мавзу: 7- синфда ўзбек тили ва адабиёти фанларини ўқитиши методикаси Ўзбек тили ва адабиёти фанларини ўқитишида салоҳият асосида баҳолаш методикаси. (2 соат).

Бу синфда таълим жараёнини ташкил қилиш йўллари. Дарсда таълимнинг фаол усусларидан фойдаланиш.

Ўзбек тили дарсларини ўтказиш йўллари. Дарс режасини тузишда ўқувчилар билим даражасини ҳисобга олиш. Дарсга мавзу юзасидан янги тайёрланган тарқатма материаллар, кўргазмали куроллар, сюжетли расмлар олиб кириб фойдаланиш, кичик шеърий парча ёки мустакил фикрлашга даъват этадиган саволлар тузиб олиб кириш, ўқувчиларга боғланишли матнлар туздириш, грамматик ўйинлардан ўринли ва унумли фойдаланиш, изоҳли ёзув ўтказишида мактаб ўқув предметлари материалларидан фойдаланиш методлари.

Адабий тил ва халқ шевалари, адабий тилни ўрганишнинг аҳамияти. Равиш сўз туркуми ҳақида маълумот. Равишнинг маъно турлари: пайт равиши, ўрин равиши, ҳолат равиши, даражажа-микдор равиши, уларнинг ифодаланиш йўллари. Давишларнинг ясалиши, қўшимча қўшиш билан равиши ясаш, сўз қўшиш йўли билан равиши ясаш. Содда, қўшма, жуфт равишлар ва уларнинг имлоси, равишнинг гапдаги вазифаси.

Кўмакчи ҳақида маълумот, кўмакчиларининг қўлланиши ва маъноси. Кўмакчилар ва келишиклар, кўмакчиларининг имлоси.

Боғловчи. Боғловчи ҳақида умумий маълумот, боғловчиларнинг қўлланиши ва турлари: teng боғловчилар, эргаштирувчи боғловчилар, эргаштирувчи боғловчилар. Тeng боғловчиларнинг турлари ва маъноси, эргаштирувчи боғловчилар ва уларнинг ишлатилиши. Боғловчини таҳлил қилиш тартиби.

Юклама. Юклама ҳақида маълумот, юкламаларнинг маъно турлари: сўроқ юкламалари, таъкид юкламалари, айирув юкламалари, кучайтирув юкламалари, гумон юкламалари. Юкламалар имлоси.

8-мавзу: 8- синфда ўзбек тили ва адабиёти фанларини ўқитиши методикаси. Ўзбек тили ва адабиётини ўқитишида проблемалик масаласи. Тест асосида ўзбек тили ва адабиёти фанларидан олган билимларини текшириш йўллари. (2 соат).

Бу синфда таълим жараёнини ташкил қилиш йўллари. Мавзунинг харakterидан келиб чиқкан ҳолда турли метод ва усуллардан фойдаланиш. Дарс олдига қўйиладиган педагогик, методик, психологик талаблар.

Икки бош бўлакли гаплар. Гапнинг бош ва иккинчи даражали бўлаклари ҳақида маълумот. Бош бўлаклар. Эга ва унинг ифодаланиши. Кесим ва унинг ифодаланиши. Кесим ва унинг ифодаланиши. Феъл кесим ва от кесим. Кесимнинг тузилиши жиҳатдан турлари. Иккинчи даражали бўлаклар. Аниқловчи ва унинг ифодаланиши. Сифатловчи- аниқловчи, қаратқич-аниқловчи. Изоҳловчи. Тўлдирувчи ва унинг ифодаланиши. Тўлдирувчининг турлари: воситали ва воситасиз тўлдирувчи. Ҳол ва унинг турлари: равиш ҳоли, ўрин ҳоли, пайт ҳоли, миқдор ҳоли, мақсад ҳоли, сабаб ҳоли. Гап бўлакларининг тартиби.

Бир бош бўлакли содда гаплар. Бир бош бўлакли сода гаплар ҳақида маълумот. Бир бош бўлакли содда гапнинг турлари: шахси маълум гап, шахси номаълум гап шахси умулашган гап, шахссиз гап, атов гаплар. Сўз-гап. Йиғиқ ва ёйиқ сода гаплар.

Тўлиқ ва тўлиқсиз гап. Тўлиқ гап. Тўлиқ гапни тўлиқсиз гапга ва тўлиқсиз гапни тўлиқ гапга айлантириш йўллари.

Икки бош бўлакли содда гапларни таҳлил қилиш йўллари.

Уйга вазифа бериш ва бажариш йўлларини тушунтириш. Баҳоларни эълон қилиш ва изоҳлаш.

9-мавзу: 9- синфда ўзбек тили ва адабиёти фанларини ўқитишиш методикаси Ўзбек тили ва адабиёти ўқитишиш жараёнинда кабинетларининг роли ва вазифаси. (4 соат).

Бу синфда таълим жараёнини ташкил қилиш йўллари. Бу синфда ўқитувчи томонидан қўлланиладиган методлар: уй вазифасини сўраш жараёнинда сухбат, савол-жавоб, тест саволларидан фойдаланиш, мавзуни мустаҳкамлашда ўқувчилар билан биргаликда оғзаки ва ёзма машқлар бажариш.

Қўшма гап синтаксиси. Қўшма гап ҳақида умумий маълумот бериш жараёнинда унинг сода гапдан фарқини мисоллар асосида қиёслаш, сода гапдан фарқини тушунтириш. Қўшма гап ҳақида маълумот бериш. Қўшма гапнинг турлари: боғланган қўшма гап, эргашган қўшма гаплар, булар ўртасидаги фарқ, боғланган ва эргашган қўшма гаплар таркибидаги содда гаплар ва уларнинг боғланишини тушунтириш.

Боғлагнан қўшма гап. Боғланган қўшма гап ҳақида маълумот, боғланган қўшма гап қисмларининг ўзаро боғланиш йўллари, teng боғловчилар (бириктирув, зидлов, айирув боғловчилари) билан, teng боғловчи вазифасида қўлланган билан боғловчиси ва -у (ю), -да, хам юкламалари билан. Гап оҳангি: санаш, зидлаш, айириш оҳанглари билан. Боғланган қўшма гапларда тиниш белгиларининг ишлатилиши.

Эргашган қўшма гап ҳақида умумий маълумот. Эргашган

қўшма гаплар таркибидаги бош ва эргаш гапларни аниқлаш. Эргаш гапнинг бош гапга боғланиш йўллари.

10--мавзу: X синфда ўзбек тили ва адабиёти фанларини ўқитиши методикаси. Дарс жараёнида интерактив таълим фаолияти усуллари. (4 соат).

Ўзбек тили бўйича. Ўзбек тилшунослигининг ривожланиш тарихи. Иншо назариясидан маълумот ва иншо ёзиш малакасини мустаҳкамлаш. Иншо ўтказиш методикаси. Юқори синф ўқувчиларининг иншолари мавзуси ва улардаги асосий фикр. Адабий мавзудаги иншолар ва уларни ўтказиш методикаси. Адабиёт дастурида берилган асарларни ўтиб бўлгач олиниши. Адабий-ижодий мавзудаги иншолар ва уларнинг мавзуси. Адабий-ижодий мавзуларда ўтказиладиган иншолар методикаси. Эркин мавзудаги иншолар. Иншога режа тузиш йўллари. Содда режа ва мураккаб режа. Мураккаб режанинг тузилиши: кириш, асосий қисм, хулоса.

Иншога материал тўплаш, тўпланган материални системалаштириш. Иншога эпиграф танлаш. Иншонинг тили ва услубига қўйиладиган талаблар.

Ўзбек орфографияси ва орфоэпияси. Ўзбек орфографияси ва орфоэпиясининг асосий принциплари. Ўзбек тилининг янги имло қоидалари. Ёзув турлари-фонетик ёзув, морфологик ёзув, шаклий ёзув. Унлилар имлоси. Ундошлар имлоси. Қўш ундошлар имлоси. Қўшма сўзлар имлоси. Қисқартма сўзлар имлоси. Бош ҳарфлар имлоси. Сўз кўчириш қоидалари. Орфография билан орфоэпиянинг муносабати.

Тўғри талаффузнинг фонетика ва графика билан муносабати. Ўзбек адабий тилининг талаффуз меъёрлари. Талаффуз ва оҳанг. Адабий тил ва ёзма нутқ меъёрлари. Тил ва нутқ. Синтагмалар, гаплар, абзаслар орасидаги тўхтамларга риоя қилиш.

Лугат билан ишлаш йўллари. Лугат ва унинг турлари. Имло, талаффуз, икки ва уч тилли лугатлар, энциклопедик лугатлар ва бу лугатлардан фойдаланиш йўллари.

Ўзбек тили бўйича қўлланиладиган методлар: сұхбат, савол- жавоб, лугатлар билан ишлаш, тест саволларидан фойдаланиш, синфда ўқувчилар билан оғзаки ва ёзма

машқлар бажариш, кўргазмали қуроллар, сюжетли расмлардан фойдаланиш.

Адабиёт бўйича.

Умумтаълим мактабларида ўқувчиларни маънавий жиҳатдан тарбиялашда адабиёт дарсларининг роли. Бу фан юзасидан бериган материалларни ҳар томонлама кенг ўрганиш.

11-мавзу: X1-синфда ўзбек тили ва адабиётини ўқитиш методикаси. Синфдан ташқари ва мактабдан ташқари ишларни ташкил этиш методикаси. (2 соат).

Ўзбек тили бўйича. Бу синфда ўзбек тили дарсларини ташкил қилиш ва ўtkазиш йўллари. Қўлланиладиган таълим методлари: сұхбат, савол-жавоб, мавзуга доир машқ бажариш, тест саволлари билан ишлаш, кўргазмали қуроллардан фойдаланиш.

Ўзбек адабий тили, унинг ривожланиш йўллари, унга қўйиладиган асосий талаблар.

Услубшунослик. Нейтраллик ва таъсирлилик. Адабий тил нормалари ва услубий нормалар. Ёзма нутқ услубининг турлари. Расмий иш қоғозлари услуби. Сўзлашув услуби, китобий услублар, бадиий услуб. Китобий услуб. Китобий услубнинг турлари – илмий услуб, расмий услуб, публисистик услуб, бу услубларнинг ўзига хос белгилари. Услуб яратувчи воситалар. Услубшунослик бўлимида тилга доир бериладиган гаплар ва уларнинг кўриниши.

Лексик услубият. Услубий бетараф сўзлар. Метафоралар, метонимиялар, снегдоха, киноя. Сўзнинг маънавий бўёги. Эскирган тарихий сўзлар, улардан айрим ўринларда фойдаланиш. Шевага хос сўзлар. Шевага хос сўзлардан бадиий қаҳрамоннинг қаердан эканлигини ифодалашда фойдаланиш. Ноадабий қатламлар. Неологизмлар. Фан – техниканинг ривожланиб боришида янги сўзларнинг вужудга келиши. Атамалар. Атамалар. Атамаларнинг кўчма маънода қўлланмаслиги. Антоним – қарши сўзлар (маъно жиҳатдан), синонимлар-

шакли ҳар хил бўлиб, маъноси бир–бирига яқин бўлган сўзлар. Кўп маъноли сўзлар, сўзларнинг ўз маъносидан ташқари кўчма маъноларда ҳам қўлланиши. Сифатлаш. Сифатлашдан бадиий адабиётда фойдаланиш. Фразеологик бирикма гаплар.

Адабиёт бўйича. Бу синфда адабиёт бўйича ўкув жараёнини ташкил қилиш йўллари. Ўқувчиларнинг ёш хусусияти ва билим даражаларини ҳисобга олган ҳолда мавзунинг характеристидан келиб чиқиб, лексия, сұхбат, савол-жавоб, тест саволларидан фойдаланиш, лугат устуда ишлаш.

А.Қодирийнинг «Ўтган қунлар» романида тарихий ҳаётий воқеалар, феодал хонликка хос адолатсизликлар ифодаси. Романинг таҳлил қилиш. Романда адолатсизликка, зулмга, золимларга қарши кураш тасвири. Романдаги тимсоллар тавсифи. Асардаги Кумуш тимсолида ўша давр хотин-қизларига хос бўлган хусусиятлар ифодаси.

Ойбекнинг «Қутлуг қон» романида ўзбек меҳнаткашларининг инқилобдан олдинги даврдаги аянчили тасвири. Асарда олға сурйлган гоя. Асар композитсияси (курилиши). Асарда икки синф вакиллари ўртасидаги кураш тасвири. Асардаги ижобий ва салбий тимсоллар тавсифи. Ойбекнинг ўзбек адабиётида тутган ўрни.

А.Қаҳҳор – моҳир ҳикоянавис. «Асрор бобо», «Минг бир жон» ҳикоялари. Бу ҳикояларнинг гоявий мазмуни. Ёзувчининг ҳикоя яратишдаги маҳорати. «Тобутдан товуш» комедиясида мансабпарастлик, порахўрлик ва давлат органларидаги мунофиқликнинг фош қилиниши. А.Қаҳҳор драматургияси.

12-мавзу: Ўзбек тилининг «Морфология» бўлими. Мустақил сўз туркumlари. Мустақил сўз туркumларининг морфологик хусусиятлари. Морфология ўқитиши методикаси. (2-соат)

Морфология – грамматиканинг бир қисми сифатида. Унда сўзларнинг тартиби, шакллари, сўзларнинг маълум белгилар асосида туркумларга бўлинишини ўргатиш. Морфология ўқитишида асосий эътибор сўзнинг тузилиши, ясалиши, сўз туркумларига қаратиш.

Мактабда морфология ўқитишининг ҳам илмий, ҳам амалий зарурияти мавжудлиги. Унинг илмий зарурияти кейинги босқичда ўрганиладиган «Синтаксис» бўлими бевосита морфология билан боғлиқлиги. Келишик, эгалик, шахс-сон қўшимчалари морфология обьекти саналса-да, аммо улар гап қурилишида, сўз ва сўз бирикмалари орасида синтактик бирикмани таъминловчи восита саналиши. Қўшма гап синтаксисини ўрганишнинг бевосита ёрдамчи сўзлар бажарадиган вазифа билан алоқадорлиги хисобга олинганда, морфологиянинг муҳимроқ касб этишини билиш. Мактабда морфология ўқитишининг амалий аҳамияти, лексикологиядан эгалланган зарурий билимлар мазкур бўлимни ўрганишда ўзининг амалий ифодасини топиши.

Орфографиянинг морфология билан алоқадорлиги, мактабда бу бўлимни ўрганиш заруриятга айланганлиги, морфологик принципи орфографиянинг етакчи принципи саналиши. Грамматика сўзларнинг ўзгаришини, сўз ясалишини, туркумларга гурухланишини, уларнинг ўзаро боғланиб сўз бирикмаси ва гап ҳосил қилишини, дала, биз, ўт, қўзи сўзлари ўзича мустақил маъно англатмаслиги, сўзларнинг маъно томони лексикада ўрганилиши.

13- мавзу: Ҳозирги замон ўзбек адабий тилини ўқитишининг мақсади ва вазифалари. Ўзбек тилининг янги имло лугати. Мактабда ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма нутқини ривожлантириш йўллари ва методлари. (2 соат).

Ҳозирги замон ўзбек адабий тили ўқитиши методикаси. Ҳозирги давр жараёнида тил билишнинг аҳамияти. Мактаб, маориф системаси ва ижтимоий ҳаётда тилдан фойдаланиш ва уни ўрганишининг аҳамияти. Ҳозирги замон ўзбек адабий тилининг муҳим кўрсатмаси ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма нутқини ўстириш ва билиш фаолиятини активлаштириш ҳисобланиши. Буни амалга ошириш ўқувчиларни актив фикрлашга, мустақил ишлашга, маълум тил ҳодисалари ҳакида ўйлашга, мулоҳаза, муҳокама қилишга, айрим тил ҳодисаларини таққослаш билан уларнинг ўхшаш ва фарқли томонларини аниқлаш, ўз фикрларини оғзаки ва ёзма шаклда саводли баён қилишга, хуласалар чиқаришга, умумлаштира билишга ўргатадиган самарали метод, усуллардан фойдаланиши.

Ўзбек адабий тилини ўргатишида ўрганиладиган билимлар (фонетика, лексика, сўз ясаш, грамматика ва орфографиядан бериладиган билимлар) аҳамиятига қараб дифференсатсия қилиниши ва бутун дикқат бу билимларнинг энг асосийларига, яъни ўқувчининг шу мавзу ёки бўлимга доир материалларини эгаллашга, ўзлаштириш зарур бўлган материалларга қаратган. Ўзбек тили дарсларида шевачиликни олдини олишга доир адабий тил нормаларига эътибор бериш.

Ўқувчиларни соф ўзбек адабий тилда гапиришга ўргатиб боришида таъриф, қоида ва бошқа маълумотлар назарий жиҳатдангина ўзлаштириб қалинмай, уларни амалий ишларда доим кўллаб бориш.

Мактаб ўзбек адабий тилини ўргатиши жараёнида ўзбек тили курсининг ҳамма бўлимлари ва мавзулари юзасидан олиб бориладиган ишлар ўқувчиларнинг нутқини ўстириш билан боғланиши зарурлиги. Мактабда ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма нутқини ривожлантириш йўллари ва методлари.

Адабиёт дарсларида ўкувчиларнинг оғзаки нутқини ўстириш йўллари. Монографик мавзуларнинг мазмунини ўз сўзлари билан ифодалашга ўргатиш. Оғзаки нутқни ўстиришда амалга ошириладиган тадбирлар: сюжетли расмларда ифодаланган мазмунни тўла ҳикоя қилиш, расм асосида кичик ҳикоя тузиш. Ҳикоянинг режасини тузиш, тузишган режа асосида ҳикояни қайта ҳикоя қилиш, расмда ифодаланган манзара тасвири, расмда ифодаланган ҳикоядаги тимсоллар, уларга оғзаки характеристика бериш. Ўқувчининг синфдошлари билан муносабати, турли мавзуларда сухбатлар уюстириш, бу сухбатларнинг асосий тематикаси. Ўрганилган бадиий асарлардаги у ёки бу қаҳрамонларга тавсиф бериш. Тимсолларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида маълумот. Масалан, 11-синфда Ойбекнинг «Қутлуғ қон романи ўрганиб бўлингандан сўнг Мирзакаримбой, Йўлчи, Гулнор, Салимбойвачча, Танчибойвачча каби тимсолларга тавсиф бериш асосида ўқувчининг оғзаки нутқини ўстириш йўллари.

14-мавзу: Мактабда от, сифат, сон сўз туркумларини ўқитиш методикаси. (2 соат).

Ўқувчиларга ўзбек тилининг мустақил сўз туркумлари ҳақида маълумот бериш. Сўз туркумлари таркиби.Мустақил сўзларнинг морфологик хусусиятлари. Сўз туркумларини ўрганиш йўллари. Ўзбек тилидаги мустақил ва ёрдамчи сўз туркумлари ҳақида маълумот бериш. Сўз туркумларининг морфологик хусусиятлари, уларнинг синтактик вазифалари. Гапда мустақил сўз туркумларининг вазифаси. Сўз туркумларини ўқитишда кетма-кетлик принсипига амал қилиш. Сўз туркумлари орасидаги алоқадорлик. Сўз туркумларини ўқитиш методикаси.

От сўз туркумини ўқитиш йўллари. Отнинг маъно турлари: турдош ва атоқли отлар ва уларнинг ёзилиши. Қўшма, жуфт ва қисқартма отлар, уларнинг ёзилиши.

Отларнинг шакл ясалиши ва уларнинг имлоси. Отларнинг сон шакллари, отларнинг эгалик шакллари ва уларнинг ёзилиши, отларнинг келишик қўшимчаларини олиб турланиши, келишик қўшимчаларининг ёзилиши. Бош келишик шакли, қаратқич, тушум келишиги шакллари, уларнинг айтилиши ва ёзилиши. Чиқиш, жўналиш, ўрин-пайт келишиги қўшимчалари, уларнинг айтилиши ва ёзилиши.

Сифат сўз туркуми ҳақида маълумот. Сифат даражалари: оддий даража, қиёсий даража, орттирма даража. Озайтирма ва кучайтирма сифатлар, сифат даражаларининг ёзилиши. Чиқиш, жўналиш, ўрин-пайт келишиги қўшимчалари, уларнинг айтилиши ва ёзилиши

15-мавзу: Олмош, феъл, равиш сўз туркумларини ўқитиши методикаси.(2 соат).

Мустақил сўз туркумлари бўлган олмош, феъл, равиш сўз туркумлари, уларни ўқитишида кўргазмалилик.

Олмош сўз туркуми. Олмош ҳақида умумий маълумот бериш. Олмошнинг маъно турлари. Кишилик олмошлари. Кишилик олмошлари. Кишилик олмошларининг бирлик ва қўплик формалари. Кишилик олмошларининг ифодаланиши. Ўзлик олмоши. Ўзлик олмошининг ифодаланиш йўллари. Кўрсатиш олмошлари, кўрсатиш олмошларининг ифодаланиши, гап бўлаги вазифасида кела олиши. Сўроқ ва бўлишсизлик олмошлари, уларнинг ифодаланиши, гап бўлаги вазифасида кела олиши. Гумон ва белгилаш олмошлари, уларнинг ифодаланиш йўллари, гап бўлаги вазифасида кела олиши.

Ёзма ва оғзаки нутқда олмош турларидан, айниқса, келишик қўшимчалари билан қўлланган олмошлардан ўринли фойдаланиш. Олмошларни ўрганиш жараённида олмошнинг хар бир турига доир кўргазмали қуроллар, топширикли тарқатма карточкалардан фойдаланиш.

Феъл. Феъл ҳақида умумий маълумот. Феъл шакллари: бош нисбат шакли, ўзлик нисбат шакли, унинг ясалиши, имлоси, маъноси, биргалик нисбат шакли, унинг ясалиши,

имлоси, маъноси. Бўлишли ва бўлишсиз феъллар. Феъл шакллари: бош, буйрук-истак, шарт, мақсад майл шакллари, уларнинг ясалиши, имлоси ва маъноси.

Феълнинг харакат номи шакллари. Ҳаракат номи ҳосил қилувчи қўшимчалар, уларнинг ёзилиши, гапдаги вазифаси.

Феълнинг сифатдош шакллари. Сифатдош шаклларининг ясалиши ва ёзилиши. Сифатларнинг гапдаги вазифаси.

Равишдош шакллари, равишдошнинг маъно жиҳатдан турлари. Равишдош шаклларининг ясалиши ва ёзилиши, гапдаги вазифаси.

Феълнинг замон шакллари. Ўтган замон феъллари, уларнинг ясалиши ва ёзилиши. Келаси замон шакллари, уларнинг ясалиши ва ёзилиши. Келаси замон шакллари, уларнинг ясалиши,

16-мавзу: Ўзбек имлосидаги ёрдамчи сўз туркумларини ўқитиши методикаси. (2 соат).

Мустақил бўлмаган сўз туркумлари: кўмакчи, боғловчи, юклама, ундов, тақлид ва модал сўзларни ўқитиши методикаси. Мустақил бўлмаган сўз туркумларининг мустақил сўз туркумларидан фарки. Ёрдамчи сўз туркумларининг якка ҳолда қўлланмаслиги ва гап бўлаги вазифасида кела олмаслиги. Кўмакчи, боғловчи, юкламалар, уларнинг ўзига хос хусусиятлари.

Кўмакчи. Кўмакчиларнинг қўлланиши ва маъноси. Кўмакчилар ва келишиклар. Айрим ўринларда кўмакчилар вазифасининг келишиклар бажара олиши. Кўмакчиларнинг имлоси.

Боғловчи. Боғловчи ҳақида умумий маълумот. Боғловчиларнинг қўлланиши ва турлари. Боғловчилар гапнинг уюшиқ бўлакларини ва қўшма гап таркибидаги содда гапларни боғлаши. Боғловчиларнинг маъно турлари: тенг боғловчилар, эргаштирувчи боғловчилар, эргаштирувчи боғловчиларнинг турлари.

Юклама. Юклама ҳақида умумий маълумот. Юкламаларнинг маъно турлари: сўроқ юкламалари,

таъкид юкламалари, айирув юкламалари, кучайтирув юкламалари, инкор юкламалари, гумон юкламалари. Юкламаларнинг имлоси.

Ундов сўз. Ундов сўзлар ҳақида умумий маълумот. Ундов сўзларнинг маъно жиҳатдан турлари. Ҳис-хаяжон ёки ҳиссиёт, ҳайдаш-чақириш ёки буйруқ-хитоб ундовлари. Ундов сўзларда тиниш белгиларининг ишлатилиши. Ундов сўзларнинг тузилиш жиҳатдан турлари. Ундов сўзларнинг айрим ўринларда гап бўлаги вазифасида кела олиши. Ундов сўзларнинг имлоси. Ундов сўзларни таҳлил қилиш тартиби.

Тақлид сўз. Тақлид сўзларнинг маъно жиҳатдан турлари: товушга ва ҳолатга тақлидни билдирувчи сўзлар. Товушга тақлид билдирувчи сўзлар эшитиш билан, ҳолатга тақлид билдирувчи сўзларга эса кўриш билан алоқадорлиги. Тақлид сўзларнинг якка, жуфт, такрорланиб қўлланиши, уларнинг имлоси. Такрорланган тақлид сўзларнинг давомийлик маъноларини билдириши. Тақлид сўзларнинг баъзи ўринларда гап бўлаги вазифасида кела олиши. Товушга тақлид билидирадиган сўзлар, баъзан отлашиб, эгалик ва келишик қўшимчалари билан қўлланиб, гапда эга ва тўлдирувчи бўлиб кела олиши.

17-мавзу: Боғланган ва эргашган қўшма гапларни ўқитиши методикаси. (4 соат).

Қўшма гап синтаксиси. Қўшма гап ҳақида умумий маълумот.

Қўшма гапларнинг содда гаплардан фарқи. Қўшма гапнинг турлари: боғланган қўшма гап, эргашган қўшма гап. Уларнинг бир-биридан фарқи.

Боғланган қўшма гап. Боғланган қўшма гап таркибидаги сода гапларнинг ўзаро боғланиши. Боғланган қўшма гапларда ишлатиладиган боғловчилар. Боғланган қўшма гап таркибидаги содда гапларнинг ўзаро боғланишида қўлланиладиган teng боғловчилар. Бириктирув, зидлов, айирув боғловчилари билан биргаликда, teng боғловчи вазифасида қўлланган билан боғловчиси иштирокида боғланиши, хурсандчиликни

билдириши. Боғланган қўшма гапларнинг боғланишига кўра турлари. Бириктирув боғловчилари: ва, ҳам, ҳамда, зидлов боғловчилари: аммо, лекин, бироқ, балки, айирув боғловчилари: ё, ёки ёҳуд, гоҳ-гоҳ, дам-дам, баъзан-баъзан, тенг боғловчи вазифасидаги юкламалар – у (ю), - дан, на.

Боғланган қўшма гапларда тиниш белгиларининг ишлатилиши.

Эргашган қўшма гап. Эргашган қўшма гап таркибидаги қисмларнинг бири иккинчисига мазмунан, грамматик ва интонатсия жиҳатдан тобе бўлиб, уни аниқлаб, тўлдириб келиши. Шунинг учун улар бош ва эргаш гаплар дейилади.

Эргашган қўшма гап таркибидаги эргаш гапларнинг боғланиши:

1.Эргаштирувчи боғловчилар (шуниг учун, шу сабабли, шу туфайли, чунки, негаки, токи, гўё-ки) ёрдамида боғланиши.

2.Кўмакчилар (феъл формаларидан сўнг келган) ёрдамида.

3.Юкламалар ёрдамида (-у, -ю, -да).

4.Нисбий сўзлар ёрдамида.

5.Сифатдош шакли ҳамда келишик аффикси ёрдамида.

6.Феълнинг равишдош шакли ёрдамида.

7.Феълнинг шарт майли формаси ёрдамида –са.

8.Феълнинг буйрук-истак майли формаси ёрдамида.

9 –дек, -дай ўхшатиш маъносини билдирувчи қўшимча ёрдамида.

18-мавзу: Грамматик таҳлил ва унинг турлари. Фонетик, морфологик, синтактик таҳлил ўтказиши методикаси. (2- соат).

Фонетик, морфологик, синтактик таҳлил ўтказиши методикаси, фонетика ва графика бўйича: товуш турлари, товуш ва ҳарф муносабати, унли ва ундош ҳарфлар, уларнинг бир-биридан фарқи, жарангли ва жарангсиз ундош товушлар, сўзни бўғинга бўлиш, очиқ ва ёпиқ бўғин, сўзларни адабий тил талаффуз нормаларига мувофиқ талаффуз қилиш.

- лексика юзасидан. Сўзниңг лексик маъноси, сўзларнинг маъно жиҳатдан турлари (сионим ва антоним), сўзниңг кўп маънолиги, сўзниңг ўз ва кўчма маъноси, сўзниңг лексик маъносини тушунириш, лугат устида ишлаш.

- сўз ясаш юзасидан. Сўзниңг ўзак, негиз ва қўшимчаларга бўлинishi, сўзниңг таркиби, сўзниңг ўзак ва қўшимчаларини аниқлаш, сўзниңг ўзагини аниқлаш, сўз таркиби таҳлили.

- морфология бўйича. Сўз туркумлари ҳақида маълумот (мустакил ва ёрдамчи), сўз туркумларини бир-биридан фарқлаш, сўз туркумларининг морфологик хусусиятлари гап тузишда сўз ва ибораларни тўғри қўллай билиши, сўз туркумларини морфологик жиҳатдан таҳлил қилиш, сўз ясаш, содда сўзниңг қўшма сўзлардан фарқи, сўзниңг ўзак, негиз ва қўшимчаларини аниқлаш, сўзниңг ўз ва кўчма маънолари, сўзниңг кўчма маънолари, сўзниңг кўчма маъноси, содда ва қўшма гапларни синтактик жиҳатдан таҳлил қилиш, содда гаплар тузиш, қўшма гаплар тартиб бериш, гап тузишда сўз ва ибораларни тўғри қўллай билиш, равиш ва равишдошли бирикмалар, гапнинг талаффуз оҳангларига риоя қилиш, эргаш ва бош гапларни аниқлаш.

Амалий машғулот

Сўз бирикмаси, содда ва қўшма гапларнинг ўзига хос хусусиятлари, эргаш гапларнинг бош гапга боғланиш йўллари, эргаш гапнинг турлари, қўшма гаплар таркибидаги содда гапларнинг қўшимчалар воситасида ва

қўшимчасиз боғланиши, сайлаб олинган матндан содда ва қўшма гапларни аниқлаш, содда ва қўшма гапларни адабий тил меъёрлари асосида ўқиш. Бир неча қўшма гаплар тартиб бериш уларни синтактик жиҳатдан таҳлил қилиш, фонетик таҳлил.

19-мавзу: Ӯқувчиларнинг билим даражасига баҳо бериш, билимларни синаш методикаси. Ӯқувчиларнинг билим ва малакаларини синашнинг аҳамияти. (4 соат).

Ӯқувчилар билимини оғзаки синаш. Ўзбек тили ва адабиёт дарсларида ўқувчиларнинг билим даражаси, маҳорат ва малакаларини баҳолаш таълим сифатини оширишнинг муҳим омилларидан бири эканлиги. Ӯқувчиларнинг оғзаки нутқини баҳолаш, уларнинг билим даражасини аниқлашнинг асосий усуулларидан бири сифатида. Ӯқитувчи мазкур фанлар дарслари учун белгиланган дастур талаблари асосида V-XI синф ўқувчилари учун ягона талобот асосида улар билимини аниқлаши. Ӯқувчилар учун бериладиган саволлар дастур талаблари асосида бўлиши, аниқ, тушунарли ва ўтган дарслар мавзуси асосида бўлиши. Ӯқувчининг жавоби тартибли, мантиқан тўғри, ўтилган мавзуларни билиши аниқ сезилиб туриши кераклиги.

Ўзбек тили ва адабиёт фанларидан ўқувчиларнинг оғзаки нутқини баҳолашда қуйидаги меъзонлар ҳисобга олинади:

- жавобнинг тўғри ва мукаммал эканлиги;
- тўлик ва тўғри жавоб бера олганлиги;
- ўқувчининг жавобида унинг билим даражаси ифодаланиши;
- оғзаки баён қила олиш усули;
- ўзи тасдиқ қила олдиган фикри учун далиллар келтира олиши, бу далилларнинг қанчалик тўғри эканлиги;
- нутқида адабий тил меъёрларига риоя қила олиши;
- ўтган дарслардан хабардорлиги, ўқув дастури материалларини ўзлаштирган бўлиши;

Ӯқувчилар билимини тест асосида синаш. Дарсда савол бериш йўллари, савол беришдан кўзда тутилган мақсад. Савол бериш. Психологлар томонидан тақдим қилинган

саволлар: оддий, аниқлик киритуви, шарҳ ва изоҳталаб, ижодий саволлар.

Ўқувчиларнинг ёзма нутқ малакаларини баҳолаш ўтказилган ёзма ишлар асосида баҳоланади.

20- мавзу: Ўзбек тили ва адабиёти фанларини ўқитишида таълимнинг фаол усулларидан фойдаланиш методикаси. (2 соат).

Таълимнинг фаол усуллари ва таълимда ундан фойдаланиш йўллари. Таълимнинг фаол усуллари билан амалдаги анъанавий усулларни бир-бирига таққослаш. Фаол ва анъанавий усулларни бир-бирига таққослаш асосида уларнинг ижобий ва салбий томонларини белгилаш ва ўқувчилардаги фаол муносабатларни кузатиш. Ўқувчилар фаолиятида вужудга келган ижобий ўзгаришлар, бу ўзгаришларнинг фан асосларини эгаллашдаги ўрни, ўқувчилар билим даражасининг ўсишида фаол усуллардан фойдаланишининг аҳамияти. Ўқувчиларни гурухларга бўлиб, дарс ўтиш жараёнида ўқувчилар ва ўқитувчи фаолиятини активлаштириш йўллари. Дарс давомида гурухлар фаолиятига баҳо бериш. Ўзбек тили ва адабиёти дарслари жараёнида қизиқарли ўйинлар ташкил қилиш. Ким кўпроқ сўз топади, сўзлар занжирини тузиш, муаммолар, зарбулмасаллар. Қизиқарли ўйинлар асосида ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш қобилиятини ўстириб бориш. Дарс жараёнида гурухлар ўртасида мавзуга дои рва узоқ ҳамда яқин ўтилган мавзуларга доир топширикни тарқатма карточкалар билан ишлаш, кўргазмали қуроллардан фойдаланиш.

21- мавзу: Сўз бирикмасини ўрганиш методикаси. Гап турлари синонимияси (4 соат).

Сўз бирикмасининг икки қисмдан (бош ва эргаш сўздан) тузилиши, эргаш сўз бош сўзни изоҳлаб келиши ҳамда бош сўзга маъно ва грамматик томондан боғланиши, сўроқ ҳамиша эргаш сўздан бош сўзга берилиши. Сўз бирикмасининг тури бош сўзга қараб белгиланиши (бош сўз феъл билан ифодаланса, феъли сўз бирикма, бош сўз от билан ифодаланса, отли бирикма ҳисобланиши), эргаш сўзнинг бош сўздан олдин келиши ва бош сўзни изоҳлаб келиши. Маъно томондан бири иккинчисига тобе бўлиб боғланган икки сўзнинг сўз бирикмаси ҳисобланиши. Сўз бирикмасининг сўз ва гапдан фарқи.

22- мавзу: Мактабда ўтказиладиган ёзма иш турлари ва уларни ўтказиш, ўзбек тили ва адабиётини ўқитишида синфдан ташқари ишларни ташкил қилиш методикаси. (4-соат)

Ўқувчиларнинг ёзма ишлари Тожикистон Жумхурияти маориф вазирлиги, жумхурият педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти томонидан тасдиқланган баҳо меъёрлари асосида баҳоланиши.

Мактабда ёзма иш турлари бўлган диктант, баён, иншо ўтказиш. Ёзма иш ўтказилишидан кўзда тутилган мақсад. Диктант ўтказиш методикаси. Диктант учун матн тартиб бериш. Матн таркибида ўтилган мавзуларга доир сўзларнинг бўлиши. Диктант ўтказишида ўқувчиларнинг ўтилган мавзуларни қанчалик даражада ўзлаштирганликларини синаш. Диктант ёзишга ўқувчиларни тайёрлаш. Матннинг ўқитувчи томонидан ўқиб берилиши, тушунилиши қийин сўзларга изоҳ бериш, ёзилишини доскада ёзиб қўрсатиш. Синфдаги ўқувчиларнинг билим даражасини ҳисобга олган сўзлар микдорини белгилаш. Ўқувчиларнинг ўзбек тили ва адабиётидан олган кўникма, малака, билимларини чуқур ва атрофлича ҳисобга олиш ва уни одилона баҳолаш.

Диктантни таҳлил қилиш, ҳатоларни турларга ажратиш, содир қилинган ҳатоларнинг келиб чиқиши сабабларини аниқлаш ва уларни ислоҳ қилиш йўллари. Синфлар бўйича диктант матнидаги сўзлар миқдори. Диктантни баҳолаш методикаси.

Баён. Ўқувчилар нутқини ўстиришда ёзма иш турларидан баён ва иншо асосий олмиллардан ҳисобланиши. V-VII синфларда ўтказиладиган баёнлар. V-IX синфлар учун баён матнидаги сўзлар миқдор V-VII синфларда ўтказиладиган баёнларга бир соат вақт ажратилиши ва иккита баҳо қўйилиши, баёнлар таҳлилини ўтказиш. Баёнда йўл қўйилган ҳатоларни ислоҳ қилиш йўллари. Баённи баҳолаш методикаси.

Ўзбек тили ва адабиёти фанларини ўқитишида синфдан ташқари ишларни ташкил қилиш методикаси. Синфдан ташқари ўқилган юзасидан сухбат дарслари учун амалдаги адабиёт дастурида ажратилган соатлар миқдори. V-VII синфларда синфдан ташқари ўқиш дарсларини ташкил қилиш ва ўтказиш методикаси. V-VII синфлар учун тартиб берилган дастурда мустакил ўқиш учун тавсия қилинган адабиётлар рўйхати. Мустакил ўқилган асарлар юзасидан сухбат дарсларининг ўқувчилар томонидан ўтказилиши.

23- мавзу: **Ўзбек тили ва адабиёти фанларининг бошқа фанлар билан алоқадорлиги, фанни бошқа фанлар билан қўшиб ўқитиши йўллари. Синтактик услубият (4 соат).**

Мактабда ўзбек тили ва адабиёти фанларини ўқитиши жараёнида уни география, тарих, рассомчилик, бадиий санъат ва бошқа фанларга боғлаб ўрганиш. Бадиий адабиёт санъатнинг бир тури сифатида. Адабиёт санъатнинг ўкув предмети эканлиги. Адабиётнинг ҳаётни англашдаги ўрни ва инсон тарбиясидаги вазифаси.

Ўзбек тили ва адабиёти фанларининг бошқа таълимий фанлар билан алоқадорлигини гуруҳларга бўлиш.

Адабиётнинг тарих фани билан алоқадорлиги. Амалдаги адабиёт дастурининг бир бўлими ўзбек ва тожик

адабиётидан берилган намуналарни ўрганишга багишлаганлиги. V синфда Абуали ибн Сино, Ю.Х.Хожиб, Рұдакий, Навоий, Жомий асарларини ўрганиш жараёнида улар яшаган даврдаги ижтимоий, сиёсий, маданий ҳаёт ҳақида маълумот бериш. VI синфда Фирдавсий, С.Шерозий, Бобур, Гулханий асарларини улар яшаган муҳит билан боғлаб ўрганиш.

IX синфда энг қадимги адабий ёдгорликлар таркибида берилган халқ оғзаки ижоди, афсоналар, «Авесто», Урхун-Энасой ёдгорликлари, М.Қашгарий ҳамда IX-X асрлар адабиётидан ўрин олган мавзуларни ўрганиш жараёнида шу ёзувчилар яшаб ижод этган тарихий мавзуларни ўрганиш жараёнида тарихий даврнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида маълумот бериш, бу асарларни ўша даврға боғлиқ ҳолда ўрганиш.

Маълумки, IX-X синфлар адабиёт тарихи курси бўлгандиши учун ҳар бир ёзувчининг ҳаёти ва ижоди ҳақида тўхталганда улар яшаган даврға характеристика бериш, асарларида давр воқеалари акс эттирилганлигини эътибор бериш.

XV асрнинг II ярми ва XVI асрлар адабиёти ҳақида тўхталганда Жомий, Навоий яшаган тарихий давр, улар асарларида ўша давд зиддиятлари ифодаланганлигини ўқувчиларга тушунтириш. Мунис, Увайсий, Нодира, Оғаҳий, Зебуннисо асарларида ўзлари яшаб турган жамиятдаги адолатсизликларнинг ифодаси.

24-мавзу: Морфологик услубият юзасидан кўргазмали қуроллар тайёрлаш ва дарс жараёнида улардан фойдаланиш йўл ва усувлари. (4 соат).

Кўргазмалилик фан асосларини эгаллашда асосий воситалардан бири сифатида. Кўргазмали қуроллардан фойдаланишдан кўзда тутилган мақсад. Кўргазмали қуролларнинг тури. Ҳозирги кунда кўргазмали қуролларнинг кўпчилиги ўқитувчилар томонидан тайёрланаётганлиги. Ҳар бир дарс учун мўлжалланган кўргазмали қуроллар. Уларни тайёрлаш йўллари. Кўргазмали расмлар ва улар билан ишлаш методикаси.

Тасвири расмлардан фойдаланиш. Ҳар бир мавзуга доир расмлар олиб кирилганда ўкувчиларнинг тилга кириши. Расмлардан дарснинг қайси ўринларда фойдаланиш яхши натижа бериши. Масалан, тимсолларга тавсиф бериш жараёнида уларнинг ҳолатини тасвириловчи расмлар.

25- мавзу: XIX асрнинг II ярми ва XX аср бошлари даври адабиётини ўқитиш методикаси. XI-XIII асрлар ўзбек, тожик адабиёти намуналарини ўрганиш методикаси (4-соат)

Бу даврдаги ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаёт. Ўрта Осиёнинг Россия томонидан куч билан босиб олиниши. Чоризм истилоси ва унинг оқибатлари. Ўзбек адабиётида реализмнинг XIX асрнинг II ярмида майдонга келиши ва демократик йўналишдаги адабиётнинг туғилиши ва тараққиёти билан боғлиқлиги. Бу даврда бўлган икки йўналишдаги адабиёт – демократик йўналишдаги адабиёт ва феодал – клерикал адабиёт, унинг ажralmas бир қисми бўлган диний-мистик адабиётларнинг турмушга муносабат масаласида икки хил йўл тутганлиги.

Ўзбек демократик адабиётининг асосий ва етакчи мавзуси ҳалқ ҳаёти, истиқболи, тақдири, унинг озодликка бўлган интилишни ифодалашдан иборат эканлиги. Ўша давр ҳаётининг реал картиналари Муқимий, Фурқат, К.Хоразмий, Завқий, Аваз Ўтар асарларида, Солиҳбек Охуннинг генерал Черняевга хати, Исҳоқхон Ибратнинг «Тарихи Фарғона», Мухаммад Юсуфбек Баёнийнинг «Шажараи Хоразмшоҳий» асарларида акс эттирилиши.

Комил Хоразмий. Унинг ҳаёти ва ижоди. Унинг «Аҳбоб», «Дўстлар» радиофли ғазали. Фазалда дўст танлаш, дўстга муносабат масалалари ифодаси. Комил Хоразмий – машҳур ҳаттот. Унинг Петербургда бўлиши. Рус музикан отасини ўрганиши. Муқимий. Муқимийнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти.

Адабиёт.

1. Истиқолият ва сиёсати давлатӣ дар соҳаи маориф,
Дастури
таълимӣ, -Душанбе, 2009
- 2 .А.Зуннунов, Ж. Эсонов. Мактабда адабиёт ўқитиши
методикаси.
Тошкент «Ўқитувчи» 1985.
- 3.Н. М. Маллаев, Ф. К. Каримов, С.И Исматов Ўзбек
адабиёти
тарихи. Тошкент «Ўқитувчи» 1981.
4. Имло луғати. Мактаб ўқувчилари учун қўлланма.
«Ўқитувчи»
Нашриёти, Тошкент, 1976.
5. Топишмоқлар, Тошкент, 1981, Faфур Fулом
номидаги Адабиёт
ва санъат нашриёти.
6. Fуломов, И.Расулов, X. Рустамов, Б. Мирзааҳмедов
Ўзбек тили
ўқитиши методикаси «Ўқитувчи» нашриёти,
Тошкент, 1975.
7. Н.М.Маллаев. Ўзбек адабиёти тарихи. Тошкент
«Ўқитувчи»
Нашриёти, 1966.
8. .А.Зуннунов, Н. Хотамов Адабиёт назариясидан
қўлланма.
«Ўқитувчи» нашриёти, Тошкент, 1978.
9. А. Зуннунов, Ўзбек адабиёти методикаси
тарихидан
очерклар. «Ўқитувчи» нашриёти, Тошкент, 1973.

Ба матбаа _____ супорида шуд.

Ба чоп _____ ичозат дода шуд.

Андозай 60x84 1/16. Җузъи чопии шартй _____

Теъдорд _____ нусха.